

??????: ????? ?????????????? ?? ???? ???? ???? ???? ?

?????: ?????? ?????????????? ?? ???? ???? ???? ???? ?

???? ?? ???? ??????. ?????? ?????? ????????

???????????

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Икки лаънат келтирувчидан сақланинглар», дедилар. Одамлар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, икки лаънат келтирувчи нима?» дедилар. У зот соллаллоху алайҳи васаллам:

«Одамларнинг йўлига ёки соя жойига хало қилган», дедилар».

Абу Довуд ва Муслим ривоят қилганлар.

Бу ҳадиси шарифда кўпчилик фойда оладиган жойларни эҳтиром қилиш, бундай жамоатчилик жойларини озода сақлаш ҳақида сўз бормоқда.

Йўл – кўпчилик фойдаланадиган тармоқ экани олдин ҳам айтиб ўтилди. Унда кишиларга озор берадиган, кўнгилларини ғаш қиладиган нарсалар бўлмаслиги керак. Агар бирор киши йўлга қазои ҳожат қилиб қўйса, ўтган-кетган одам унга лаънат айтади. Одамлар ўтириб, дам оладиган, салқинлаб, нафасини ростлайдиган жойлар ҳам худди шундай! Бундай жойлар ҳам доимо озода сақланиши лозим, у ерларга қазои ҳожат қилиб қўйган кишини ҳам одамлар лаънатлайди. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу икки ишни «икки лаънат келтирувчи» деб атамоқдалар.